

ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ТУРИЗМНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ БАЪЗИ МУАММОЛАР

Махмудов Собир Худойбердиевич -
Самарқанд медицина институти
«Гуманитар ва ижтимоий иқтисодий фанлар»
кафедрасининг катта ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада тарих ва маданият элементларининг иқтисодий ривожланишга таъсири таҳлил этилган, шунингдек, тарихий-маданий туризмни шаклланиши илмий жиҳатдан асосланган ва уни ривожланишида баъзи муаммолар кўрсатилган ҳамда тарихий-маданий туризмни ривожланиши бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: туризм, аҳоли даромадлари, инвестиция, туристик объект, маданият элементлари, экспорт.

Аннотация. В этой статье проанализировано влияние элементов истории и культуры на экономическое развитие, поэтому, научно обосновано формирование исторического-культурного туризма и показаны некоторые проблемы в его развитии. Также даны предложения по развитию историческо-культурного туризма.

Ключевые слова: туризм, доходы населения, инвестиция, туристический объект, элементы культуры, экспорт.

Annotation. This article analyzes the influence of elements of history and culture on economic development, so the formation of historical and cultural tourism is scientifically justified and some problems in its development are shown. Proposals for the development of historical and cultural tourism are also given.

Key words: tourism, population incomes, investment, tourist attraction, cultural elements, export.

Кириш Мамлакат иқтисодиётини ривожланишида давлатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий алоқаларнинг ўрни катта. Бу борада мамлакат тарихи муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатнинг ўтмиши, унинг келажагидан дарак беради. Узоқ ўтмишга бой мамлакатнинг келажаги ҳам барқарор бўлади. Олимларнинг таъкидлашича тарихни билиш келажакни назорат қилишни англатади.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва фаровонлигини таъминланиши кўп жиҳатдан унинг ўтмиши билан ҳам боғлиқ. Аҳоли турмуш тарзи нимага ихтисослашгани унинг қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари нимага мослашганига, маданиятига, урф-одатларига қараб мамлакат иқтисодиётини истиқболдаги салоҳиятини аниқлаш мумкин. Демак, мамлакатни ривожланишида нафақат ижтимоий-иқтисодий омиллар балки тарихий-маданий омилларнинг ҳам таъсири бор.

Адабиётлар таҳлили. Иқтисодиёт ривожланишида маданият элементларининг таъсири тўғрисида иқтисодчи олимларнинг турли хил мунозарали фикрлар мавжуд. Масалан, Жаҳон Банкнинг собиқ ходими Уильям Истерли шундай деган: «... инсонлар ҳамма ерда бир хил ва улар қайсидир ҳолатда бўлмасин, албатта иқтисодий имкониятлардан фойдаланади. Агарда уларга имкониятларни тақдим этса». Лоурене Харрисон эса

унга қуйидаги қарши фикрни билдиради: «.....иқтисодий рағбатлантириш ҳаммага бир хил бўлган вақтда, маданиятли кишилар аҳолининг бошқа қатламларига қараганда кўпроқ муваффақиятга эришади»[1]. Лоурене Харрисоннинг фикрича маданиятли кишиларда табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлади. Улар ишлаб чиқариш жараёнида фаол иштирок этади. Бунинг оқибатида ялпи маҳсулот ҳажми ортади. Шу сабабли улар ишлаб чиқариш натижаларидан кўпроқ манфаатдор бўлишади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аҳолини тайёр ноз неъматларни фақатгина истеъмол қилишга ўргатиш эмас, балки уларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш, хизмат кўрсатиш каби иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этишга ўргатишимиз лозим.

Бизнинг назаримизда Жаҳон Банкнинг собиқ ходими Уильям Истерлининг фикри, бозор иқтисодиёти талабига унчалик тўғри келмайди. Бозор иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари (ишлаган тишлайди), қонунлари (талабнинг таклифга мувофиқ келиши) кишиларга моддий неъматларни тайёрлаб бермайди. Аксинча, табиий ресурслардан унумли фойдаланишни, аҳоли талабига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни талаб этади. Шунингдек, кишилар ўзларининг тадбиркорлик қобилиятини ишга солишига ҳам тўғри келади. Бизнинг назаримизда, Лоурене

Харрисоннинг билдирилган фикри мақсадга мувофиқ. У мамлакат иқтисодиётини муваффақиятга эришишида маданият элементларини муҳим деб ҳисоблайди.

Маданият элементлари аҳолини табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни, ҳавф-хатардан қўрқмасликни, ишлаб чиқариш жараёнида фаолликни ҳамда янгиликка мойилликни, ходимларни бошқаришда очиқликни, рақобатга бардош беришликни ўргатади. Масалан, Франция ва Испания ҳудудларида истиқомат қилаётган баскка ҳалқи азалдан савдо билан шуғулланишган. Уларга тадбиркорликдаги ҳавф-хатардан қўрқмаслик иродаси, таваккалчилик тажрибаси, ҳамкор танлашдаги қобилияти авлодлардан мерос қолган. Ушбу фазилатлар уларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига катта ёрдам беради. Шу сабабли ушбу халқнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тажрибаси ўта юқори.

Одатда мамлакат аҳолиси ўтмишида хунармандчилик, деҳқончилик ёки чорвачилик, тикувчилик ва бошқа меҳнат тури билан шуғулланган бўлса, ўша соҳа келажакдаги меҳнат ресурсларига мерос бўлиб ўтади.

Италия иқтисодчилари Луиджо Гуизо, Паола Сапиенза ва Луиджи Змингалес мамлакатлар ўртасида маданият элементларидан ишонч элементини иқтисодий тараққиётга таъсирини асосий омил деб тадқиқ этиб, «...агарда ўтмишда мамлакат фуқаролари ўртасида бирон-бир мажораларга дуч келмаган бўлса, уларни бир-бирига бўлган ишончи кучли бўлади. Аксинча бўлса, мамлакатлар ўртасида ишонч кучсиз бўлади»-деган натижани олишган[2].

Бизнингча ушбу олимларнинг тадқиқоти, айниқса ишонч элементини мамлакат иқтисодий тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этишини ўрганиш, унчалик ўринли эмас. Чунки, тарихдан маълумки ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда ўзга мамлакатларнинг табиий бойликларини ўзлаштириш эвазига амалга оширишга интилган. Ўз ҳудудларини кенгайтиришган. Масалан, Усманийлар салтанатининг юзага келиши, Амир Темур империясининг пайдо бўлиши ёки айтайлик бошқа давлатларнинг кучли ҳукмронлиги осонликча барпо этилмаган. Бир қанча машаққатли меҳнатлар, қонли урушлар натижасида юзага келган. Агарда Луиджо Гуизо, Паола Сапиенза ва Луиджи Змингалес каби иқтисодчи олимларнинг ишонч элементига

нисбатан билдирилган фикрларини қўллаб-қувватлайдиган бўлсак, Турк давлати ҳозирда Мўғул давлати билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқаларни ўрнатмаслиги лозим. Ўрнатилганида ҳам кутилган натижа бермаслиги керак. Чунки, улар ўртасида ўтмишда кучли қонли урушлар, вахший юришлар бўлиб ўтган. Бундай ҳодисаларни давлатлар мисолида яна кўп келтириш мумкин. Бироқ биз ушбу масалага бошқача ёндошмоқчимиз. Ўтмишда мамлакатлар ўртасида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар тарих. Агарда ўтмишдаги мамлакатлар ўртасидаги алоқаларини салбий нуқтаи назаридан қарасак, бирон-бир мамлакат ўртасида ҳеч қачон ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилмайди.

Глобаллашув жараёни шиддат билан кечаётган бир паллада давлатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларини ўрнатмаслик улар билан ҳамкорлик ишларини ташкил этмаслик, мамлакатда экспорт ҳажмини камайтиришга олиб келади. Натижада ушбу мамлакатларда ижтимоий меҳнат тақсимооти қонуни бузилади. Баъзи мамлакатларда товар ва хизматларнинг нархи ошади, баъзиларида эса маҳсулот нархи таннархидан паст бўлади. Бундай иқтисодий ҳодисаларни ўз вақтида олди олиниб ечими топилмаса, мамлакатда ижтимоий муаммолар юзага келади.

Бизнинг фикримизча, тарихни қандай бўлса шундайлигича қабул қилиш керак. Уни таҳлил қилиш, сабабини ўрганиш ёки айтайлик бирон-бир моддий қийматга эга бўлиш учун унга даъво билан чиқиш мақсадга мувофиқ эмас. Ҳозирга кунда ҳам бир мамлакатнинг бошқа мамлакат табиий бойликларига ҳукмронлик қилиш ҳаракатлари мавжуд. Лекин, уларнинг кўриниши қонли урушлар ёки вахший юришлар билан эмас, балки иқтисодий тобе қилишдир. Шу сабабли тарихда бўлиб ўтган воқеа ҳодисалардан сабоқ чиқариб қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Буюк ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий таъкидлаганидек, «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлидир»[3].

Асосий қисм. Мамлакат тарихи, халқнинг урф-одати ва маданияти иқтисодий тараққиётга таъсир катта. Улардан унумли фойдаланиш ҳозирги кунда муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу сабаб бўлса керак, кўпгина мамлакатларда жумладан, Франция, Италия, Германияда ўз юртининг тарихи ва маданиятини мамлакат раўнақи йўлида

унумли фойдаланиш мақсадида - туризмнинг тарихий-маданий тури шакллантирилган.

Тарихий-маданий туризм кишиларга ҳар бир мамлакатнинг тарихини унинг ўтмишдаги воқеа-ҳодисаларини, халқнинг урф-одатларини, турмуш тарзини таништиради. Шу орқали улар мамлакатларнинг миллий қахрамонлари жасоратини, олим-уламоларининг маънавий меросини ўрганишади. Ҳар бир мамлакат фуқуrolари ўзининг ва бошқа мамлакатларнинг ўтмишдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволига, ташқи кучларининг таъсири остида аҳолининг турмуш тарзи қандай ўзгарганига, ривожланиш босқичларига ва бошқаларни билишга қизиқади. Кишилардаги ушбу хоҳиш мамлакатларда тарихий-маданий туризмни жадал суръатлар билан ривожлантиришга ундайди. Туризмнинг турлари жуда кўп. Лекин улар орасида тарихий-маданий туризм мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишида алоҳида аҳамият касб этади. У табиий ресурслардан деярли фойдаланмайди. Аксинча, тарихни эслатувчи воқеа-ҳодисаларлар, қадимги топилмалар, ёдгорликлар, қўл ёзмалар каби маънавий мерослардан кўп фойдаланилади. Тарихий-маданий туризмнинг ушбу жиҳати, юртимиз ҳудудида қадимги даврлардан бошлаб то ҳозиргача тараққий этган шаҳарлар, қишлоқлар маданиятларнинг бой ўтмишини археологик жиҳатдан тадқиқ этиш ва тарихий жараёнларни ҳолис тиклаш бўйича муайян ишларни амалга ошириш вазифасини қўяди.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда сўнгги йилларда юз бераётган жадал ислохотлар археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш, йирик археологик ёдгорликларда кенг кўламли тадқиқотларни олиб бориш, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимизни халқимизга ва жаҳон ҳамжамиятига тарғиб қилишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқишга ва улардан мамлакат раvнақи йўлида унумли фойдаланишга эътибор берилапти.

Шунингдек, тарихий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасини ривожлантириш, бундай объектларни қайта тиклаш ва уларнинг имкон қадар асл ҳолида сақланишини таъминлаш борасидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар ўз натижасини берапти. Масалан, Республикаимизда бугунги кунда 4 минг 308 та археологик, 2 минг 79 та меъморчилик, 694 та санъат асари, 395 та диққатга сазовор

жой, жами 7 минг 476 та моддий-маданий мерос объекти давлат ҳимоясига олинган.

Маданий меросимизнинг йирик қисми саналган кўп сонли археологик мерос объектлари нафақат мамлакатимиз, балки бутун кишилик ўтмишида ғоят ноёб ҳисобланади. Масалан, Самарқанддаги Регистон мажмуаси, Улуғбек расадхонаси, Бухоронинг кўҳна Арк қалъаси, Сомонийлар мақбараси, Хиванинг Ичанқалъаси, Қаршининг Одина, Кўкгумбаз обидалари, Шаҳрисабзнинг Оқсарой маданий ёдгорлиги ва бошқалар шулар жумласига киради.

Ўзбекистонда тарихий обидалар ва маданий ёдорликлари мавжудлиги мамлакатимизда азалдан қурулиш ва ободонлаштириш каби шаҳарсозлик соҳалари ривожланганлигини англатади. Аммо ҳозирда эса машҳур шаҳарларни барпо этиш масаласи қурувчи мутахассисларимиз, устоз-хунарамдларимиз эътиборидан четда қолиб кетяпти. Бизнингча, бундай масалада қурувчиларимизнинг тажрибалари, маҳорати камлик қилади. Бунга бир қанча сабаблар бор деб ўйлаймиз. Масалан, мамлакатимиз аҳолиси Собиқ Иттифоқ даврида бу вазифадан мутлоқо четлаштирилган.

Иқтисодиёт - қишлоқ хўжалигига асосланган эди. 1989 йилда Ўзбекистоннинг барча меҳнат ресурслари 9801,2 минг кишини ташкил этган бўлиб, унинг асосий қисми - 38,4 фоизи қишлоқ хўжалигида банд бўлган[4]. Ушбу жараён ярим асрдан зиёд давом этди. Қурилиш соҳасининг етук мутахассислари ўз касбларини ёш авлодга ўргата олишмади. Қурилиш соҳасига бўлган қизиқиш камайди. Шу тариқа ушбу соҳа ривожланмай қолди. Собиқ Иттифоқ даврида асосан саноат корхоналарини ривожланишга катта эътибор қаратишди. Йирик саноат корхоналари ва уларнинг филиаллари республикаимизнинг турли вилоятларида жойлаштирилди. Уларнинг иш фаолиятлари бир-бирларига боғлиқ бўлган. Баъзи йирик корхоналар товарларнинг бир қисmini ишлаб чиқаришга мослашган бўлса, баъзилари бошқа қисmini ишлаб чиқаришган. Собиқ Иттифоқ давридаги олимлар саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигини оширишнинг мана шу усулини ўйлаб топишган.

Шу сабабли Собиқ Иттифоқ мамлакатларининг биронтасида саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларидан ташқари иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари жадал ривожлангани йўқ. Масалан, 2018 йилда Белорусия

Республикаси иқтисодиётида саноатнинг улуши 21,6 фоизни, қурилиш 5,3 фоизни, таълим тармоғи 4,0 фоизни, соғлиқни сақлаш 3,4 фоизни ташкил этган[5].

Россия Федерациясининг қурилиш бўйича мутахассислари жаҳон ҳамжамияти эътиборига тушадиган баланд, чиройли ва кўркам биноларни қуриш ва шу хизматларни экспорт қилиш ишлари ривожланган европа мамлакатлари даражасида эмас.

Таклифлар. Мамлакатимизда тарихий-маданий туризм соҳасини ривожлантириш учун ўтмишдаги аждодларнинг тарихий ва маданий меросига эга бўлишнинг ўзи

кифоя қилмайди. Тарихий-маданий туризмни ривожланиши учун қуйидагиларни таклиф этамиз:

биринчиси, мамлакат ичидаги йўлларни таъминлаш ва улар атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш;

иккинчиси, тез ва қулай йўловчи ташувчи транспорт воситаларини йўлга қўйиш;

учинчиси, йўл ёқасидаги ресторан, ошхона, дам олиш уйларида хизматлар сифатини ошириш;

тўртинчиси алоқа ва коммуникация соҳасини ривожлантириш ва бошқалар.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Харрисон, Лоуренс. Культура и экономическое развитие [Электр. ресурс].-Режим доступа: <http://www.inliberty.ru/library/study/324/>
2. Влияние культуры на экономическое развитие [Электр. ресурс].-Режим доступ: <http://gtmarket.ru/labaratory/expertize/2006/449>
3. Қодирий Абдулла. Ўткан кунлар: Роман («XX аср ўзбек романи» туркуми) Таҳрир ҳайъати: И.Шоғуломов (ҳайъат раиси) ва бошқалар.-Т.: Шарқ, 2000.-400 б.
4. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичларни ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам.-Т.: Ўзбекистон.2011. 37-б.
5. Белорусия Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари.

ОБРАЗОВАТЕЛЬНАЯ МОДЕЛЬ ПОДГОТОВКИ КВАЛИФИЦИРОВАННЫХ КАДРОВ ДЛЯ ОТРАСЛИ ТУРИЗМА

Очилова Хилола Фармоновна -
кандидат экономических наук, доцент кафедры
«Туризм и сервис» Ташкентский государственный
экономический университет
Худойназарова Сарвиноз -
магистр 2 курса Ташкентский государственный
экономический университет

Аннотация. Ушбу мақолада туризм индустрияси учун малака кадрларни тайёрлаш масалалари урганилган, чунки кадрларнинг малакаси туризмда хизмат курсатиш сифатини оширишга таъсир курсатади. Бугунги кунда таълим сифати ва таълимни такомиллаштириш республика ривожланишининг стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади.

Калит сузлар. Туристик индустрия, туризм соҳаси, кадрларнинг малакаси, туристик индустриянинг мутахассиси.

Аннотация. В статье изучены вопросы качества подготовки специалистов туриндустрии, которое влияет на повышение качества туристского обслуживания. В настоящее время повышение качества образования является стратегическим направлением развития республики.

Ключевые слова: туриндустрия, сфера туризма, профессиональные способности кадров, специалист туриндустрии

Annotation. The article examines the issues of improving the quality of training specialists in the tourism industry, which affects to the improvement of the quality of tourist services. Nowadays improving the quality of education is a strategic direction of the development of republic.

Key words: tourism industry, tourism, professional competence, tourism industry specialist

Введение. В настоящее время туризм является активным элементом всего мира. Сегодня сфере туризма в Узбекистане относятся как к стратегической отрасли экономики, так как туризм способен играть роль локомотива в экономике любого государст-

ва, поскольку прямо или косвенно связан со многими отраслями народного хозяйства и с различными областями человеческих знаний. Мы считаем, что туризм – это одна из самых высокорентабельных отраслей экономики, доходы от которой в ряде высокоразвитых